60795

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 4 июль, сешанба. №79 (21.842.) Сотувда эркин нархда.

Айни кунларда Меҳнатобод туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси пахтакорлари ғўза ниҳолларига сифатли ишлов беришмоқда. Уста пахтакор Абдупатто Солиев бу ишда кўпчиликка ибрат. Хўжалик аҳлининг нияти — бу йил 3660 тонналик хирмон уйиш.

СУРАТДА: Абдупатто Солиев ёш механизатор билан бирга ишлов берилган майдонларни кўздан кечирмоқда.

Т. ҒАФУРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллер шу йил 9-10 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. О. Файзуллаевни Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Омонуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ҲДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИДА

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг назариётчиси ва уларни рўёбга чиқариш ишига бевосита раҳбарлик қилаётган моҳир сиёсатчи ҳамда амалиётчи сифатида кенг танилди, дейилади ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши Котибияти қабул қилган қарорда. Унинг нутқ, мақола ва рисолаларида миллий мустақиллигимизнинг истиқболлари, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, ўтиш даврининг асосий тамойиллари, иқтисодий ислоҳотларнинг ўзимизга мос йўли ва устивор йўналишлари, маънавий янгиланишнинг аҳамияти, миллий давлатчилигимизни бунёд этиш, жамиятни демократиялаштириш масалалари каби кўплаб долзарб муаммолар ўз ечимини топган.

Қарорда муаллифнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», деб номланган янги китоби ҳам назария, сиёсат ва амалиёт масалалари узвий алоқада ифодаланганлиги билан муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди. Зеро, унда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичига якун ясалган, тегишли хулоса ва сабоқлар чиқарилган, шунингдек, иқтисодиётни ислоҳ қилиш иккинчи босқичининг ўзига хос хусусиятлари, бош вазифа ҳамда устивор йўналишлари илмий асослаб берилган.

Китобда баён этилган хулоса ва қоидалар тараққиётимизнинг назарий асосларини бойитиши билан бирга ўқувчини фаол яратувчилик ишларига, самарали ҳаракатга даъват этади. Асар партиямиз дастурий ғояларига ҳамоҳанглиги, унинг мақсад ва муддатларини муайян тарихий шароитда ривожлантириши билан қимматлидир.

Асарда баён этилган назарий изланишлар, хулоса ва қоидаларни ўрганиб чиқиш ҳар бир кишининг тафаккурини ўстиришга, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига қўшиладиган шахсий ҳиссанинг салмоқлироқ бўлишига хизмат қилиши шубҳасиздир, деб қайд қилинади қарорда,

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти шуларни ҳисобга олиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини партиямиз аъзолари томонидан яккама-якка ва жамоавий тарзда ўрганиб чиқиш зарурлигини мақсадга мувофиқ, деб топди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ҲДПнинг барча даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига бу муҳим ишни кечиктирмай уюштириб, унга бош-қош бўлиш вазифаси юклатилди. Ушбу мақсадларда партиявий ўқувларнинг синалган воситалари: сиёсий тўгараклар, давра суҳбатлари, мулоқот соатлари ва кунларидан, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб фойдаланиш, уларни ташкил этишда фаолларимиз, халқ депутатларимиз, ҲДПга хайриҳох олимлар, жамиятшунос профессор-ўқитувчилар, амалиётчи-иқтисодчиларни кенг жалб этиш тавсия этилди. Қарорга биноан, яқин орада Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгашида ушбу китобга бағишланган давра суҳбати ўтказилади. Шундай тадбирни Қорақалпоғистон республика ҳамда вилоят партия кенгашлари ҳам уюштирадилар.

Котибият, айни пайтда, мазкур асарни жамоавий тарзда ўрганиб чиқишнинг намунавий режаси ҳамда унинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга бағишланган маърузалар, суҳбатлар, турли анжуманлар ўтказишнинг намунавий мавзулари рўйхатини маъқуллади (улар газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

Маҳаллий партия ташкилотлари ва партия нашрларнинг таҳририятларига «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини тарғиб қилишни миллий мустақиллигимиз тўрт йиллигини нишонлашга бағишланган оммавий—сиёсий тадбирлар билан уйғун ҳолда олиб боришга эришиш топширилди. Бунда фуқароларимизнинг миллий онгини ва янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш, меҳнат фаоллигини оширишга кўмаклашиш муҳим вазифа эканлиги диққат марказида туриши лозимлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон ҲДП МК матбуот маркази.

МЕЪМОРЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон меъморлар уюшмаси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда меъморлар, қурувчилар, соҳа фахрийлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Юртбошимизнинг юбилей муносабати билан меъморларга йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Республика меъморлар уюшмаси раиси Ф. Ашрафий уюшманинг 60 йиллик фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Бир гуруҳ архитекторларга уюшма фахрий ёрлиқлари топширилди.

Тантанали йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

ОНА ВАТАН КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

Ғаллачилик

ҚАРДОШЛАР ҲИММАТИ

· АНДИЖОН. Айни кунларда вилоят ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари авжида. Бу хайрли ишга Қирғизистон ғаллакорлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ғаллазорларда ишлатилаётган 600 дан ортиқ комбайннинг деярли тенг ярмини қардош халқ механизаторлари бошқармоқдалар. Улар ўз комбайнларини икки сменада ишлатиб, ғалла ўримининг барвақт якунланишига ҳисса қўшмоқдалар.

Наргиза ТЎЛАГАНОВА.

Қулайлик

ҚОРАКЎЛ КАРВОНСАРОЙИ

· БУХОРО (мухбиримиздан). Қоракўл Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарлардан. Бу ерда йўловчиларга хизмат кўрсатаётган «Боғишамол» карвонсаройининг фойдаланишга топширилиши ўзига хос воқеа бўлди.

Олот туманига туташ ерда бунёд этилган карвонсарой қурилишини 420-қурилиш ташкилоти жамоаси бунёд этди. Чойхона, ошхона, меҳмонхона, автомашиналар учун мўлжалланган майдончадан иборат карвонсарой қўшни республикалардан келаётган тижоратчиларнинг ҳордиқ чиқариш масканига айланди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Тадбиркорлик

ОТА-ОНАЛАР ҚУВОНЧИ

· ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). «Қаршиқурилишиндустрия» бирлашмасига қарашли ҲДП бошланғич ташкилотининг котиби Бўри Жўраев рафиқаси Гулнора Сагдиева билан тўрт йил аввал савобли ишга қўл урган эди.

Улар ўз уйларида болалар боғчаси очиб, ота-оналарни беҳад қувонтиргандилар. Мақсад болаларни боғчага жалб этиш билан уларнинг ота-оналарини узлуксиз меҳнат қилишларига шароит яратишдан иборат эди. Ўтган давр мобайнида боғчадан мактабга йўл олган 30 нафар бола аъло баҳоларга ўқиши билан ажралиб турибди. Мазкур боғчани озиқ-овқат билан таъминлаш «Светлячок» боғчаси зиммасида. Уй-боғчада болаларнинг ўйнаб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд.

Ғози РАҲМОН.

Янги анъана

«МИЛЛИОНЕР» ЧАҚАЛОҚЛАР

· ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Ўтган ой бошида вилоят туғуруқхоналарида жами 84 чақалоқ дунёга келгани қайд этилган эди.

Республика жамғарма банкининг вилоят бошқармаси ходимлари ҳар бир чақалоқ номига 3000 сўмлик омонат дафтарчаларини расмийлаштирдилар. Чақалоқлар камолот ёшига тўлганда омонат дафтарчасидаги пул 19 миллион 680 минг сўмни ташкил этар экан.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Экология

ТАБИАТГА МЕҲР УЙҒОТИБ

· ЖИЗЗАХ. Экология муаммоларига бағишланган «Табиат: кеча, бугун ва эртага» мавзуида ўқувчиларнинг II республика анжумани ўтказилди.

Йиғилиш ишида вилоят ҳокимлигидан Р. Назаров, вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Б. Шарипов, республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика ўқувчилар экология маркази каби муассасалардан мутахассислар қатнашди. Ўзига хос конференциянинг мақсади экологик таълим-тарбия муаммоларига бағишланган бўлиб, ўқувчиларни табиат муаммоларига дахлдор илмий-тадқиқот ишларига жалб этишдан иборат эди. Йиғилиш соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ.

БУЮК ОҚИН ТЎЙИГА ҲОЗИРЛИК

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 5—8 июль кунлари Ўзбекистонда буюк қозоқ оқини Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланади.

3 июль куни Абай юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раиси С. Саидқосимов бошқарди.

Мажлисда тегишли вазирлик, ҳокимлик, идора ва уюшма раҳбарларининг юбилейга тайёргарлик ишларининг бориши хусусидаги аҳборотлари тингланди. Қабул қилинган юбилей дастурига кўра, республика Фанлар академиясида Абай ижодига бағишланган илмий конференция, байналмилал маданиятлар марказида учрашув, Алишер Навоий номидаги катта театрда юбилей кечаси ўтказилади. Мазкур тадбирларда қозоғистонлик меҳмонлар ҳам иштирок этадилар. Улар нафақат Тошкент шаҳридаги, балки Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги юбилей тантаналарида ҳам қатнашадилар.

Мажлисда буюк қозоқ адибининг мазкур тўйи Туркистон халқларининг бир-бирига янада яқинлашувига, хусусан, ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлиги мустаҳкамланишига хизмат қилиши таъкидланди.

(ЎзА).

Дон—ризқ - рўзимиз

ШОВУЛЛАЙДИ ОЛТИН БОШОҚЛАР

Репортаж

Бу ҳароратли кунларда инсон тугул, мавжудотлар ҳам ўзини соя-салқинга олган. Бироқ, сўнгсиз ғаллазорларда ҳаёт қайнайди. Қуёшнинг оловли тафтидан ҳиммати баланд бободеҳқоннинг иссиқ кафтидан нур эмган ғаллазорларда бугун ўзгача манзара. Ҳа, бошоғи олтин мисоли донга-нонга тўлган буғдойзорлар оралар экансиз, ажиб бир сархушликдан кўзингиз қувонади. Поёнсиз ғаллазорлар мовий денгизнинг ўзгинаси! Йўқ-йўқ, улкан кемалар сузиб юрибди. Йўқ-йўқ, улар кемалар эмас, сиз билан бизга ризқ-насиба улашаётган дон комбайнлари.

Айни пешин чоғи... Ёз қуёши тиккага келиб, борлиқни аёвсиз қиздирмоқда. Тушлик бошланган бўлсада, комбайнлар гувиллаб ишламоқда.

Баҳсма-баҳсига беллашиб ғалла ўраётган комбайнчилар тиним билишмайди. Бу ерда ўрим-йиғим «дала-бункер тележка-омбор» усулида ташкил этилган. Бу эса йиғим-теримда ҳам тезкорлик, ҳам тежамкорликни таъминламоқда. Иш худди шундай тиғиз ташкил этилгани боис ғаллакорлар билан тушлик чой устида қисқагина суҳбатлашишга тўғри келди.

— Бу йигитимиз Ш.Зоиров бўлади, - дея қорачадан келган, истараси иссиқ, боши дуррача билан боғланган бир йигитни кўрсатди «Гигант» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А.Хайруллаев. - Ҳозиргача у 130 гектар майдондаги буғдойни ўриб-янчиб берди. Униси эса Ш.Аҳмедов. Бу йигит ҳам анойилардан эмас. Ҳозиргача уйган хирмони 230 тоннадан ошиб кетди.

Раис худди шундай Ж.Жуманазаров, Н.Бобоев каби комбайнчиларни ҳам бирма-бир таништирди. Шунингдек, Д.Ражабов, Э.Нуров сингари сомондон ташиётган шофер ва тракторчиларни ҳам номма-ном тилга олди. Тушлик вақтида дала дарғалари билан ўримнинг бориши, режалар бажарилиши хусусида анчагина суҳбатлашдик.

Тушликдан кейин эса тумандаги Навоий номли жамоа хўжалигида бўлдик. Бу ерда ҳам ғалла ўрими тезкорлик билан ташкил этилган. Т.Бозоров, Х.Машаев, М.Муҳиддинов каби комбайнчиларнинг ҳар қайсиси тушликка қадар 2,5-3 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб беришган. Хўжалик бошқаруви раиси А.Файзиевнинг сўзига қараганда, мавсум бошидан буён 350 тонна сара дон тайёрланган.

Ҳа, бугун нафақат Навбаҳор туманида, балки Навоий вилоятининг Қизилтепа, Хатирчи, Навоий, Конимех туманлари хўжаликларида ҳам ғалла ҳосилини йиғиш юксак суръат ва сифат билан олиб бориляпти. Вилоят далаларида шу кеча-кундузда 150 дан зиёд ўрим техникаси ишлатиляпти. Уларга эса юзга яқин ёнилғи қуйиш, кўчма таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш мосламалари ўз вақтида хизмат кўрсатяпти. Мақсад эса 30 минг тонналик хирмон уйиш. Бу эса мустақил республикамизнинг 3,5 миллион тонналик ғалла хирмонига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИСҚА ҚИЛИБ АЙТГАНДА...

** Самарқандда вилоят ички ишлар бошқармаси фаолларининг йиғилиши дон ҳосили яхши сақланишини таъминлаш масаласини муҳокама қилди.*

** Андижондан Урганчга ҳар тўрт кунда поезд қатнови йўлга қўйилди.*

** Тошкентдаги Тамарахоним уй-музейида машҳур санъаткорнинг қариндош-уруғлари, мухлислари, касбдошлари рақс маликаси билан бўлган унутилмас учрашувлар ҳақидаги хотиралардан сўзлаб бердилар.*

** Республика болалар бадиий ижодиёти марказида Миср Араб Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган кўргазма очилди.*

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИПАККА ЎРАЛГАН ТОШ МУАММОЛАР»

Газетамизнинг шу йил 13 июнь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада пиллачилик соҳасидаги муаммолар, тармоқни ривожлантиришга тўғаноқ бўлаётган нуқсонлар ҳақида сўз юритилган эди. Мақола юзасидан Республика «Пилла» уюшмаси раиси С. НАВРЎЗОВдан жавоб хати олинди.

—Республика «Пилла» уюшмаси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 13 июнь сонида чоп этилган «Ипакка ўралган тош муаммолар» сарлавҳали мақоласи билан танишиб чиқиб, унда кўтарилган масалалар хусусида қуйидагиларни билдиради.

Республикамизда ипак қуртлари мақолада баён этилганидек, асосан колхозчиларнинг хонадонларида боқилади. Бу ижтимоий масалани ечиш мақсадида илгари капитал қуртхоналар қурилган эди. Лекин катта қийматга эга бўлган бу қуртхоналар бир марта ипак қурти боқиш ҳисобига ўзини иқтисодий томондан оқламади. Енгил типдаги усти брезент ва полиэтилен материаллар билан ёпиладиган қуртхоналар эса бизнинг иссиқ иқлим шароитимизга тўғри келмаганлиги учун ишлаб чиқаришга жорий этилмади. Шу боис кейинги вақтда маҳаллий қурилиш материаллари эвазига (пахса девор, лойтом ва поли тупроқдан) 1—1,5 қутига мўлжалланган қуртхоналар лойиҳаси ишлаб чиқилиб вилоятларга юборилди. Жойлардаги раҳбарлар колхозчиларнинг ер участкаларида 1—1,5 қутига мўлжалланган қуртхоналарни ҳашар йўли билан қуриб олишларига маҳаллий қурилиш материалларидан ажратилишида ва қурилишида яқиндан кўмаклашсалар, бу ижтимоий муаммо ҳал бўлишига ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш маданият даражасининг кўтарилишига ёрдам берган бўлар эди.

Ипак қуртини боқиш учун илгарилари металл этажеркалар ишлаб чиқарилар эди. Лекин нарх-навонинг ошиб кетиши ҳисобига бу этажеркаларни хўжаликлар олмай қўйди, натижада этажеркаларни ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтатиб қўйилган. Агар хўжаликлар томонидан бундай этажеркаларга эҳтиёж ва талаб бўлса, уни яна ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти мавжуд.

Мақолада пилладан келадиган даромад нафақага ҳисобланмайди дейилган. Бу нотўғри. Пилладан келадиган даромаднинг иш ҳақи сифатида бериладиган қисми нафақага ҳисобга олинади. Лекин қурт боқувчи ўз уйида ипак қурти боққани учун бериладиган ижара ҳақи нафақага кирмайди.

Кейинги йилларда олимларимиз томонидан бир қатор юқори ҳосилли серипак ипак қурти дурагайлари яратилмоқда. Улар йилдан-йилга кўпайтирилиб ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмоқда. Бу йил уруғчилик корхоналарида тайёрланадиган янги истиқболли ипак қурти уруғлари жами тайёрланадиган уруғнинг 50 фоизга яқинини ташкил қилади.

Бу янги дурагайларга «Андижон» — 1,2, «Фарғона» — 2,3,5,6, «Нишонланган—1»,2 кабилар киради. Уларнинг биологик ва технологик кўрсаткичлари жаҳон андозаси талаблари даражасига жавоб беради.

Хуллас, пилла маҳсулотлари бозоргир бўлиши учун, унинг сифат кўрсаткичларини жаҳон андозаси талаблари даражасига етказишимиз лозим. Шунда пиллачиларнинг меҳнатини тўғри баҳолашимизга, пилладан олинадиган маҳсулотларни хорижий давлатларга сотишга ҳамда соҳадаги муаммоларни ечишга имконият яратилган бўлур эди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини жамоавий тарзда ўрганишни ташкил этишнинг намунавий режаси

1	2	3	4	5
№	Мавзулар	Машғулот шакли	Ажратиладиган вақт	Изоҳ
1.	Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг асосий якун ва сабоқлари	маъруза	2 соат	
2.	Давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш	мулоқот	1 соат*	Ўздавмулкни хусусийлаштириш қўмитаси тизими ходимларини таклиф этиш тавсия этилади
3.	Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва янги аграр муносабатларини шакллантириш	мулоқот	1 соат*	
4.	Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор йўналишлари	суҳбат	1 соат	
5.	Иқтисодий ислоҳотлар янги босқичининг бош вазифалари	суҳбат	1 соат	
6.	Ислоҳотларнинг бош мақсади инсонлар учун муносиб ҳаёт шарт-шароитларини яратиш	суҳбат	1 соат	
7.	Бизнинг туман, шаҳар, корхона (хўжалик)да ислоҳот қандай бормоқда?	Давра суҳбати баҳс-мунозара, мулоқот	2 соат	Хўжалик раҳбарлари, депутатлар иштирокида
8.	И. Каримов асарининг назарий ва амалий аҳамияти тўғрисида	Якунловчи суҳбат ёки амалий конференция		

*Ушбу машғулотлар вақти, уларнинг қаерда (шаҳардами ёки қишлоқда) ўтишига қараб, кўпайтирилиши мумкин.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобига бағишланган маърузалар, суҳбатлар, мулоқотлар, илмий-амалий конференцияларнинг намунавий рўйхати

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби — муҳим назарий манба ва амалий қўлланма.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий хусусиятлари.

Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш биринчи босқичининг асосий якун ва сабоқлари.

Иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини шакллантириш — амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг муҳим омили.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий негизини вужудга келтиришнинг аҳамияти.

Бозор муносабатларига ўтишда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш — ислоҳотларнинг муҳим вазифаси.

Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг ўрни.

Аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш масалалари.

Ерга мулкчилик масаласини тўғри ҳал этиш — Ўзбекистондаги аграр сиёсат негизи.

Ўзбекистон дон мустақиллигига эришиш йўлида.

Халқ хўжалиги бошқарувининг маъмурий - буйруқбозлик тизимидан, бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтишнинг муҳимлиги.

Нархларни эркинлаштириш — бозор иқтисодиётига ўтиш талаби.

Мамлакатимизда бозор инфраструктураси шаклланишининг аҳамияти тўғрисида.

Мустақил Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш йўлида.

Иқтисодий ислоҳотларимиз асл мақсади — инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтириш.

Аниқ мақсадли ижтимоий ҳимоя — мустақил Ўзбекистон давлатининг муҳим вазифаси.

Ижтимоий кўмаклашув тизимида маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти.

Маънавият — жамиятни янгилаш ва тараққий эттиришнинг ҳал қилувчи омили.

Одамларни келажакка ишонч, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, ҳалоллик, мардлик, сабр-бардош, ижтимоий адолат ва маърифатга интилиш руҳида тарбиялашда миллий мустақиллик мафкурасининг вазифалари.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий -сиёсий барқарорликнинг таъминланиши—ислоҳотлар илк босқичининг энг асосий якуни.

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик — давлатчилигимиз янги биноси пойдеворидир.

Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари.

Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш — иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш — ислоҳотлар ҳозирги босқичининг муҳим вазифаси.

Миллий валютамиз қадрини оширишнинг ислоҳотлар муваффақияти учун аҳамияти.

Мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш—барқарор ўсишнинг асосий шарти.

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири—кучли эгамен ҳуқуқий давлатнинг моддий негизини яратишдир.

Мақсадимиз — демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш.

Миллатимизнинг маънавий - ахлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — долзарб вазифа.

Аҳолининг иш билан тўла бандлигини ҳал этишнинг йўл ва воситалари хусусида.

Хотин-қизларга муносабат—жамият етуклигининг муҳим ўлчови.

Миллий тикланиш ғоясига садоқатли ёшларни тарбиялаш — юксак аҳамиятга молик умумдавлат, умумхалқ вазифаси.

Ислоҳотларнинг муваффақияти — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг қўлида.

Ўзбекистонни равнақ топтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш — бизнинг муқаддас бурчимиз, келгуси авлодлар олдидаги мажбуриятимиздир.

ИБРАТЛИ ИШЛАГАНГА ЭЛ ЭРГАШАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шаҳрихон тумани Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Мухторжон Отабоев портретига чизгилар

Бир неча кундан буён таъмирланаётган хизмат машинаси ўрнида фойдаланаётган шахсий «Жигули»сига ўтираётган Мухторжон аканинг нигоҳи ўзи томон келаётган маҳалладошларига тушди. Машинасини тўхтатиб, улар томон юрди.

— Келинглар, келинглар, қани уйга, — деди Мухторжон ака ҳамқишлоқлари билан кўришаркан.

— Уйга кирсак кўп вақтингизни оламиз, деб йўл устида кутаётгандик, — дейишди Эргашали Холиқов билан Шокиржон Отахоновлар. — Маҳалламиз Шаҳрихонсой бўйида-ю оқин сувга ёлчимаяпмиз. Томорқадаги экинлар қовжираб кетяпти. Бир йиллик даромаддан қуруқ қолмайлик, тағин.

— Бу йил сув танқисроқ, — дея сўз бошлади Мухторжон ака. — Бори ҳам далаларга оқяпти. Сойга электр насос қўйиш билан маҳалла томорқаларини суғорса бўлади. Раис билан бунинг иложини топамиз. Кўмак керак бўлса сизлар ҳам қараб турмассизлар.

— Бизни деб уринасизлару тек турамизми, — бараварига жавоб қилишди Эргашали Холиқов билан Шокиржон Отахоновлар.

Мухторжон ака ҳамқишлоқлари билан хайрлашибоқ машинасини Ғ. Жўраев номли жамоа хўжалиги томон бурди. Раис Одилжон Нурматовни йўл бўйидаги бригада палласида учратди. Одилжон ака ҳам айтилган таклифни тўғри тушунди.

— Темирни қизиғида босган маъқул, — деди раис. — Ҳозирча камқувватроқ бўлса ҳам электр насосни ўрнатамиз. Кейин бошқасига алмаштирамиз. Томорқа эгаларини қишнинг қировли кунларидан буён плёнка остида экин ўстираётганининг қадрига етмасак бўлмайди.

Шу гаплардан Мухторжон аканинг кўнгли таскин топди. Кенгаш идорасига кираверишда оқсоқолга рўбарў келди.

— Ўғлим, икки оғиз гапим бор эди...

— Келинг, бемалол ота, — дея саркотиб оқсоқолни хонасига бошлади.

Кираверишдаги стулга омонатгина ўтираётган меҳмонни ўзига яқинроқ жойга ўтказди.

— Тортинмай гапираверинг, ота!

— «Олтин водий»нинг Абдибийиданман, — деб сўз очди оқсоқол. — Шу десангиз ўғил армияни битириб келди. Анчадан бери бирор бир ишни бошидан тутолмаяпти. Қурилиш ташкилотларига ишга олмасмикин?

— Укамизни касби-корлари қанақа?

— Бўғолтирлар курсини битирган.

— Яхши касби бор экан. Эртага ўзи барвақт менга учрасин. Меҳнат биржасининг эълонида ҳисобчи кераклиги ҳақидаги сўровга кўзим тушган эди. Адашмасам, сиз айтганингиздай қурилиш ташкилотида.

Оқсоқол дуо қилиб ўрнидан қўзғалди. Мухторжон ака уни кузатиб ҳали жойига ўтиришга ҳам улгурмай эшик олдида «Бешариқ» болалар лагерининг бошлиғи Камолиддин Сирожиддинов кўринди.

— Ассалому алайкум, Мухторжон ака, — деди Камолиддин. — Иш билан эмас, раҳмат айтгани келдим. Ҳамма хўжаликларнинг ХДП котиблари таъмирлаш бўйича белгиланган вазифаларни кўнгилдагидек бажаришди. Сизларнинг ёрдамингиз билан лагеримиз мавсумни яхши бошлаб, болаларни бағрига олди.

— Мавсум муваффақиятли ўтсин, — деди Мухторжон Камолиддиннинг қўлини қисаркан. — Буёғига ҳам қараб турмаймиз.

— Болалар билан бир кўришсаларингиз яна яхши бўларди, — деб таклиф киритди Камолиддин.

— Албатта, борамиз.

Телефон устма-уст жиринглади.

— Э... Исроилжон ака, ишлар қандай? Буғдойдан биринчи бўлибсизлар-да. Табриклагани албатта ўтаман.

Мухторжон ака ён дафтарига белгилаган долзарб вазифаларига разм солди. «Шаҳрихон» жамоа хўжалиги ғаллакорларининг ҳосил топшириш бўйича давлат буюртмасини ошириб бажарганликлари билан табриклашга ўтишини ХДП бошланғич ташкилоти котиби — раис муовини Исроилжон Исмоновга телефондаги суҳбат пайтида ваъда қилганини ёзиб қўйди. Тиғиз ишламаса улгуриши қийин.

Шу пайт котиба Мухторжон акага Шаҳрихон тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти жамоасида ўтадиган тадбирга таклиф этишганини эслатди. Бир йилча аввал катта корхонада атиги беш нафар ХДП аъзоси борлигини, ўшанда Мухторжон ака ишни қай тарзда ташкил этсак экан деб ўйлаганди. Изланса, тўғри йўл топиларкан. Партиямизга аъзо бўлинг деган даъват билан эмас, одамлар кўнглига йўл топишга уриниш яхши натижа берди. Биринчи котиб, туман Кенгашининг масъул ходимлари — Галина Афанасева, Суюнбой Абдурасуловлар юзма-юз бўлган суҳбатларда ХДП фаолияти, унинг мақсад-муддаоси ҳақида оддий мисоллар билан сўзлаб берди. Партиянинг Дастур ва Низомлари билан таништирдилар. Шундай суҳбатлардан қайтар чоғда тўқувчи Ҳидоятхон Ҳаитова Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш нияти борлигини билдирди.

Тўқувчи айтганидан қайтмади. Балки бошқаларни ҳам маслакдошликка чорлади. Унинг қаторига кўплаб ҳамкасблари қўшилдилар. Уларга ХДП аъзолиги билетлари тантанали топширилди. Бир ҳафтача аввал туман кенгашининг кўчма бюроси Шаҳрихон ҳиссадорлик жамиятида ўтказилди. Ташаббускор Ҳидоятхон жамоа ХДП бошланғич ташкилоти котиблигига сайланди. Унинг ғайрат-шижоати туфайли корхонадаги партиядошлари сони 112 нафарга етди. Партия аъзолари бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қилишда бошқаларга ибрат бўляптилар.ХДП туман кенгашининг корхона бошланғич ташкилоти фаоллари, мутахассислари билан жамоанинг иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш ҳаракати кўпчиликнинг эътиборини тортди. Корхона омборида тахланиб қолаётган маҳсулотлар харидорларини топди. Қандай қилиб дейсизми? Жамоада тайёрланаётган атлас жамоа хўжаликлари аъзоларига ишлаб чиқариш баҳосида сотилди. Оддий йўл билан қарздорлик ҳалқалари узилди. Мана шундай муаммонинг ечимини топишдаги собитлик кўпчиликда ХДПга ишонч уйғотди.

Одатдаги иш кунларидан бирида шаҳрихонлик поезд машинисти Турсунбой ака Эргашев Мухторжон ака билан учрашиб дилидагини билдирди.

—Шаҳрихондан Хонободгача йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилса, автотранспортдаги тиғизлик юришарди. Йўловчиларга анча қулайлик яратиларди.

Темирйўлда кўп йил тер тўккан Турсунбой аканинг асосли гаплари Мухторжон акага маъқул тушди. Иккови Шаҳрихон тумани ҳокими Муҳаммаджон Раззоқов билан Шаҳрихон шаҳар ҳокими Маҳаммаджон Қурбоновга йўлиқишди. Туман ва шаҳар ҳокимлари хайрли ишга қўшилишди. Вилоят ҳокими Қобилжон Обидов ҳам бу ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Ҳокимликларнинг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли Шаҳрихон — Хонобод йўловчи поезди қатнови бошланиш арафасида.

ХДП туман кенгаши ёшларнинг эртанги ҳаёти, келажагига эътибор билан қарамоқда. Ўтган йили истеъдодли ўқитувчилар — Собиржон Пўлатов, Валижон Исмоновлар билан ҳамкорликда олий ўқув юртида ўқишни орзу қилган ёшларнинг тест синовларига тайёрлаш пулли курси ташкил этилганди. Бу гуруҳнинг 20 нафар аъзосидан ўн еттитаси олий ўқув юртларидаги синовлардан муваффақиятли ўтишди.

Мухторжон ака бошланғич партия ташкилоти котибига айтганларига амал қилиш учун «Шаҳрихон» жамоа хўжалиги ғаллакорларининг меҳнат ютуғи билан қутлагани бориб туман фахрийлар қўмитаси раиси Раҳмиддин ака Даминовдан «Олтин водий» жамоа хўжалиги ўрамида истиқомат қилувчи Иброҳимжон Отахоновнинг уйи ёниб кетганлигини эшитиб мезбонлардан узр сўради. «Олтин водий»га отланди.

— Бундай пайтда бир оғиз илиқ сўз ҳам инсонга куч-қувват бўлади, — дея йўл-йўлакай ўйланди Мухторжон ака.

Эр кишининг кимлиги эл бошига иш тушганда билинади. Жамоа хўжалиги ва маҳалла фаоллари оёққа турдилар. Кимдир терак кесди, бошқаси қурилиш материалларини келтирди. Туман ҳокимлиги шифер ажратди. Эл берса тўйдиради, деганларидек кўпчиликнинг меҳру мурувватидан Иброҳимжон Отахонов тўлқинланиб кетди. Қийин пайтда ёрдамга келганларнинг барчасига миннатдорчилик билдирди. Кўмакка келганлар ҳам чарчоқларини унутишди гўё.

ХДП туман кенгашининг биринчи котиби ва унинг қаторидаги фаоллар барча бирлашса ҳар қандай муаммо ҳал этилиши мумкинлигини дилдан ҳис этишганликлари учун ҳам туман ҳокимлиги, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмиталари, касаба уюшмалари сингари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритмоқдалар. Улар Ғ. Жўраев номли жамоа хўжалигининг «Қўрғонча» қишлоғида яшовчи Абдулатиф Ҳакимов билан Аҳмаджон Собировларнинг ўғил-қизлари никоҳ тўйини ортиқча дабдабасиз ўтказдилар. Тўйдан аввал никоҳ гувоҳномаси кўпчиликнинг шоҳидлигида топширилгани айни муддао бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг бажарилишини таъминлашда ҳам партия фаолларининг ўзига хос ўрни бор. Мухторжон ака ҳам бундай хайрли тадбирларда фаол иштирок этади. У бир гал 37-автокорхонада кўп йиллар ишлаб фахрийликка чиққан София Алексеевна Копелянскаянинг хонадонига борди. У билан дилдан суҳбатлашди.

Бир неча кун ўтгач, София Алексеевна туман кенгашига ХДП аъзоси бўлиш истагини билдириб ариза билан келди.

Мухторжон ака зиммасидаги ХДП туман кенгашининг биринчи котиби вазифасини, хонадон соҳиби сифатидаги масъулиятини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигини бир-биридан ажратмайди. Турмуш ўртоғи Ҳурматой опа билан Наргиза, Шаҳбоз, Шавкатбек, Азиза сингари фарзандларини тарбиялаб вояга етказяпти. Томорқасидан самарали фойдаланишда миришкор деҳқондан қолишмайди. Беш сотих ерда плёнка остида помидор парваришлаб, 20 минг сўм даромад қилди.

— Бошқаларга йўл-йўриқ бериш учун ўзимиз ибратли ишлашимиз керак, — дейди Мухторжон ака Отабоев. — Ана шунда элни эргаштира оламиз. Партия фаоли фақат ташкилий-партиявий ишларни бажариш билан чекланса, қобиғига ўралиб қолади. Халқ ичида бўлиб, кўпнинг кўнглига йўл топиб, дадил ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг ҳурматимизни оширади. Бу билан ХДПнинг нуфузи ортади. «Шаҳрихон», «Найнаво» жамоа хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг котиблари — Исроилжон Исмонов, Баҳмалхон Ғаниеваларнинг фаолияти айтганларимнинг амалдаги мисоли. Холматжон Омонов, Оязимхон Мўминова, Мухторжон Ҳакимовларнинг жонкуярлиги билан Назармаҳрам ҳиссадорлик жамияти, Шаҳрихон тикув-трикотаж фабрикаси, шаҳар тиббий бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилотларининг роли кучаймоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ 1984 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирганидан буён «Андижоннома» ижодкорлари қаторида. У «Андижоннинг очиқ дастурхони», «Жарчи», «Адолат қувончи», «Орзулар манзили», «Ҳарорат» сингари мақола, лавҳа, очеркларида меҳнати-ла эл-юрт ҳурматига сазовор бўлаётган ҳамюртлари ҳаётини акс эттиради.

Ҳар бир вазифа, лавозимнинг ўзига яраша масъулияти бор. Масъулиятни ким қандай адо этиши унинг ҳаракати, режани тўғри олиши, ҳаётга, халққа ҳамнафаслигида кўринади. Саркотибнинг фаолиятига назар ташлаганда фидойилигига ҳавас қиламан. Унинг қалбидаги ғайрат-шижоат шукуҳи қўлимга қалам олишга ундади. Унинг меҳнат фаолиятини кузатиб, ХДПнинг етакчи раҳбарлиги ташқаридан қарагандагидек осон эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Элни эргаштиришни ҳар ким ҳам эмас, юртнинг фидойи фарзандлари уддалашига амин бўлдим.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

ЕРНИ — ТЕР ТЎККАН БИЛАР

Сирдарё вилоятидаги 3 - «Боёвут» ширкатлар уюшмаси раиси Султон РАҲМОНҚУЛОВ билан суҳбат

Суҳбатдошимиз Султон ака Раҳмонқулов ўз меҳнат фаолияти давомида ёрқин ҳаёт йўлини босиб ўтган, моҳир ташкилотчилиги, инсонларга меҳрибонлиги билан чинакам обрў топган ўғлонлардан. Илгари у ўз юртдошларининг кўпдан-кўп илтимослари билан йирик пахта заводи директорлигини қолдириб, ўзи яшаб турган «Тараққиёт» жамоа хўжалиги раислигига ўтишга мажбур бўлган эди. Беш-олти йилда у қадар катта бўлмаган бу хўжаликни бутун вилоятта танитди, уни тажрибалар, улуғвор ўзгаришлар масканига айлантирди.

Сўнгра эса туман ҳамда вилоят ҳокимликларининг даъвати билан тумандаги йирик хўжаликлардан бири — 3-»Боёвут» ширкатлар уюшмасига раҳбарлик қила бошлади. Султон Раҳмонқуловнинг етакчилигида бу ерда ҳам катта ўзгаришлар бошланди, хўжалик бир йилдаёқ яна тилга тушди. У киши билан суҳбатимиз дастлаб ана шу сўнгги йиллардаги рўй бераётган муҳим ўзгаришлардан бошланди.

— Султон ака, бир йиллик муддатда оғир хўжаликни оёққа турғазиб олиш осон кечмагандир? Бунга асосан нималар ҳисобига эришилди?

— Умуман олганда, 3-»Боёвут»ни «қолоқ» дейиш тўғри эмас. Фақат сўнгги йиллардаги иқтисодий тангликлар бу хўжаликни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Пахтачилик соҳасидаги режалар сурункасига бажарилмай қолганидан сўнг бизларнинг шароитимизда ҳар қандай хўжалик ҳам ўтириб қолиши турган гап. Бу ерда ҳам асосан ана шундай вазият рўй берди, дейиш мумкин. Малакали кадрлар, мустаҳкам техника базасига эга бўлган хўжаликда омилкорлик билан иш кўрилса, шароитни тезда ўнглаб олса бўлади.

Биз энг аввало ер, сув, техникага бўлган муносабатларимизни ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдамиз, кадрлар масаласини қайта кўриб чиқмоқдамиз, иқтисодий ислоҳот талабларини дадиллик билан ҳаётга олиб киришга уринаётирмиз.

Мирзачўл ерлари янги ўзлаштирила бошланганда асосий экинзорлар табиийки, қўриқ ва бўз ерлардан иборат эди. Бундай жойлардан ҳосил олиш учун ерни тўрт-беш маротаба суғоришга тўғри келарди. Шунга қараб харажатлар белгиланар ва режалар тузилар эди.

Лекин мана орадан қанча йиллар ўтди. Туманимиз меҳнат аҳли бу йил ўзларининг қирқ йиллик тўйларини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ана шу давр мобайнида асосий экин майдонларининг ҳолати, яъни структураси ўзгарди. Ер ости сувлари ер усти сувлари билан қўшилиши оқибатида кўпгина заҳкаш майдонлар юзага келди. Лекин баъзи деҳқонларимиз бу билан ишлари йўқ, ғўза ўстирилаётган майдонларни ҳамон мавсумда беш-олти маротаба суғориш одатини тарк этмаётирлар. Оқибатда ер эзилмоқда, ғўзалар ғовлаб, кўсаклар камайиб бормоқда, улар пуч ва камҳосилли бўлиб қолмоқда.

Биз кўпчилик билан маслаҳатлашиб бундай камчиликларга барҳам беришга қарор қилдик. Хўжалигимизнинг ички ариқ ва зовурларини тозаладик, заҳкаш майдонларнинг сизот сувларини қочирдик, майдонларни 40-45 сантиметр чуқурликда сифатли шудгор қилдик, зарур жойларга маҳаллий ва минерал ўғитларни аямадик. Эндиликда кўчат ундириб олинган майдонларда ғўзаларга бир-икки кўсак олгунча умуман сув берилмаяпти. Ишловни кўпайтириш, ниҳол тагини юмшатиш ва ўғитлаш ҳисобига экинларни қувватга киритаётирмиз. Токи ғўзаларнинг ўзлари «ишласин», ерга тармашсин ва ҳосили тўқ ва бўлиқ бўлсин. Сўнг бир ёки икки сув билан ҳосилни етиштириш мумкин. Биз шулар ҳисобига ўтган йили барча эски катта қарзлардан қутилиб, пахтачиликдан йилни 15 миллион сўм соф фойда билан якунладик. Ҳосилдорлик бир йилдаёқ салкам икки баробарга ўсди. 200 тоннадан ортиқ линт, минг тонна толамиз бор. Булар хўжалигимизнинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади, албатта.

— Шу ўринда бу йилги режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Иншооллоҳ, бу йил ҳам пахтадан, ҳам ғалладан баракали даромад олиш ниятидамиз. Аввало пахта ҳосилдорлигини 30 центнерданга етказиш ва ялпи хирмонни ўн минг тоннага чиқармоғимиз лозим. Бунинг учун 3118 гектар майдонда деҳқончилик қилаётирмиз. Пахтакорларимиз бу йил ҳам мўмай даромад олиш учун кўплаб майдонларга маҳаллий ўғит чиқариб солдилар, ғўза қатор ораларига ишлов яхши берилмоқда.

Энди ғалла етиштириш масаласига келсак, бу борада катта ўзгаришлар қилганмиз. Жумладан, 1450 гектар ерда ғалла ўстирдик. Мақсадимиз — камида 6 минг тонна ғалла етиштириш ҳамда ўртача ундан 8 миллион сўмга яқин фойда кўришдир. Биз ғалла орқали ички эҳтиёжларимизни ўнглаб оламиз, пахта толаси билан эса жаҳон бозорига чиқамиз. Ҳозирги бозор иқтисоди пайтида олинаётган даромадларнинг салмоғи юқори бўлмаса, тараққиётга эришиш ҳамда ўсиб бораётган рақобатларга дош бериш қийин бўлади.

— Сўзларингизнинг мазмунидан, тадбиркорликка катта эътибор бериш ниятларингиз борга ўхшайди, шундай эмасми?

— Қишлоқларимиз чўлда бошқаларни тўйдириб, ўзи ночор аҳволда қолиб келган. Мустақиллик шарофати туфайли, бундай тенгсизликларга барҳам бериш пайтлари келди. Буни эса фақат ҳаракат, тинимсиз меҳнат ва тадбиркорлик билан амалга ошириш мумкин. Биз бу борада ҳам бугунни, ҳам узоқни ўйлаб иш қилмоқдамиз. Сўнгги пайтларда қилган ҳаракатларимизнинг самаралари ўлароқ деярли барча ширкатларимизда турли кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили март ойида трикотаж тўқиш цехини ишга туширдик. 2-ширкатда хусусий тикув цехи бор, 4-ширкатимизда гилам, шолча тўқиш цехлари ишлаб турибди. Бу ерда жун пайпоқ чиқарадиган цехимиз ҳам бор. Хўжалигимиз ўзининг ғишт заводига эга. Айни пайтда бешта ширкатимизда тегирмонлар ишлаб турибди. Яна денг катта тош тегирмонимиз ҳам бор. Унда бир кеча-кундузда ўн тонна буғдой уни чиқариш мумкин.

Хўжалигимиздаги ана шу турли цех, кичик ва хусусий корхоналарда деярли юзга яқин одам ишламоқда. Лекин эндиликда булар бизларнинг талаб ва эҳтиёжларимизни қондира олмайди, албатта. Шуларни эътиборга олиб одамларимиз эртасини ўйлаб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, қишлоқларимизга энг замонавий саноат ва ишлаб чиқариш ютуқларини олиб кириш мақсадларида анча катта ва хайрли ишларга қўл ураётирмиз.

— Султон ака, малайзиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликдаги ишларингиз ҳақида кўпдан илиқ гаплар юрибди. Икки томонлама фойдали алоқалар тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Улар билан алоқа боғлашга Тошкент вилоятидаги ҳамкасбларимиз, елкадош оғайниларимиз ёрдам беришди. Оқибатда Малайзия пойтахти — Куала-Лумпур шаҳридаги «Март Икссюлзиф» фирмаси билан алоқа боғлашга муваффақ бўлдик. Дастлаб улар келиб кетишди, сўнгра бизлар ҳам икки маротаба бориб келдик. Ўртада иқтисодий ҳамкорлик боғланди.

Бу ишимизнинг катта самаралар беришига умид боғлаётирмиз. Рости, бу ишимизга тўсқинлик қиладиганлар ҳам кўп бўлди, лекин хайрихоҳлик билдириб, ёрдам бераётганлар ҳам топилди. Энг муҳими, вилоят ҳокимияти бизни астойдил қўллаб -увватламоқда. Хўш, бу алоқалардан бизлар нималарни кўзлаётирмиз?

Ўзбекистон - Малайзия қўшма корхонасини қуришдан мақсад — хўжалигимизда етиштириладиган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзимизда қайта ишлаб, аввало ҳудудимиз аҳолисини таъминлаш, сўнгра эса уларни шерикларимиз ёрдамида жаҳон бозорига олиб чиқишдир.

Шартномага кўра жами ўнта замонавий, кичик қайта ишлаш корхоналари барпо этилади. Биз уларни бир жойда эмас, балки хўжалигимиздаги аввалги бўлим, ҳозирги ширкатларнинг марказларига жойлаштирмоқчимиз. Бундан мақсад албатта энг аввало одамларни иш билан кенгроқ қамраб олишдир.

Масалан, хўжалигимизнинг ўз пахта тайёрлаш пункти бор. Унинг қошида пахта ва ёғ заводи барпо этилади. Шунингдек, ип йигирув, газлама тўқиш, тайёр кийимлар тикиш, гўшт, сут, жун сингари чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ишга тушади. Жами 10 та ана шундай мўъжаз корхоналар қурамиз ва уларда асосан қишлоқ меҳнат аҳли ишлайдилар.

Хўжалигимиз йирик, аҳолиси зич жойлашган. Ҳудудимизда ҳозир ўн мингдан зиёд аҳоли яшайди ва улардан 2,5 минг киши жамоада меҳнат қилади. Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси иншоотларини узоғи билан беш йиллик муддатларда қуриб битказиш кўзда тутилаётир. Улар ишга тушгандан сўнг яна жами 2,5 минг ишчи ўрни пайдо бўлади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда тахминан қанча одам ишласа — улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида ҳам шунча одам банд бўлади. Бу эса сўзсиз қишлоқларимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ва маданий равнақ топишига йўл очади.

Ҳозирги келишувга кўра, ип йигирув ва тўқиш цехларини барпо этиш учун 5 миллион 600 минг АҚШ доллари, пахта ва ёғ заводлари қурилиши учун эса 10 миллион доллар сарфланади. Ана шу корхоналар қурилиши биринчи бошланади ва дастлабки иншоотлар бир-бир ярим йиллик муддат мобайнида ишга туширилади. Охирги қурилишларни эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, узоқ келажакда эмас, балки нари борса тўрт-беш йил ичида битказиш ниятидамиз.

Инсон ширин орзулар билан яшайди, албатта. Бизлар ҳам ана шу орзу ва ўйларимизни рўёбга чиқара олсак, бу қишлоқларимиз ҳаётида чиндан ҳам улкан бурилишлар даврига айланган бўлар эди. Чунки йиллар бўйи гўзал ва сўлим қишлоқларимиз фақат хом ашё базаси бўлиб келди. Оқибатда одамларимизнинг бири икки бўлмади, бундай меҳнати билан қадр топмади. Ажаб эмаски, энди ўз маҳсулотимизнинг чинакам қийматини ўзимиз ярата олсак ва уларнинг самараларидан баҳраманд бўлсак.

— Сизларда ободончилик борасидаги ишлар қандай ҳал этиляпти?

— Қишлоқларни тўлиқ газлаштириш — одамларимизнинг азалий орзу-истакларидан эди. Сўнгги бир йил мобайнида илгари эътибордан четда қолган 6 та қишлоқларга 14 километрлик масофада магистрал газ қувурлари ётқизилди. Энди бу газлар хонадонларга олиб кирилаётир. Ҳадемай қишлоқларимиз тўла газлаштирилади.

Халқимиз серфарзанд, тўй-томошалар кўп, никоҳ тўйлари кўп. Одамларнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжлари катта. Шуларни ҳисобга олиб 460 хонадонга уй-жой қурилишида ёрдам бераётирмиз. Хусусан, уларга бепул, ёки арзон нархларда пойдевор блоклари, цемент, шифер сингари бинокорлик маҳсулотлари етказиб бераётирмиз. Шулардан деярли 35 фоизи уйларини битказиб ҳам олдилар. Бу йўлдаги ишларимизни жадал давом эттирамиз. Қариялар, нафақахўрлар, ўқитувчи ва зиёлиларга ҳам қўлдан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилаётирмиз. Хуллас, яқин келажакдаги режаларимиз ҳам талайгина. Иқтисодий ислоҳотлар ҳали катта мақсадларга йўл очиб беради, деган умиддамиз.

Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Диққат: янгилик

«ТВТ — ТРАНССЕРВИС» ХИЗМАТИНГИЗДА

Бугун мустақил республикамизда қонун устиворлиги биринчи даражага кўтарилди. Тўғри, бу йўлда ҳали ҳам кўп иш қилишимиз керак. Ҳуқуқий давлат сари бораётган республикамизда бу борада қанчалик «ишланаверса», шунчалик иш юришаверади, назаримизда.

Олайлик, ким нимани хоҳласа, мамлакат ҳудудидан (қайси турдан қатъи назар) мол ва товарларни олиб чиқиб кетаверса, уларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демаса, ахир бу давлатни қандай қилиб қонун-қоидаларга суянган давлат дея оламиз!

Пойтахтимизда 1989 йили «Тошвнештранс» деб номланадиган ташкилот ташкил топган эди. Шундан сўнг бу ташкилот республикамизда экспорт ва импортни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўша бошлаган эди. Тўғриси, ўша кезларда тушган фойда «умумий қозон»да қайнарди.

— Мана, 1991 йилдан буён мустақил республикамиз учун хизмат қилмоқдамиз. Дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро алоқа: борди-келди, олди-берди, товар айирбошлашдаги хизматларимиздан тушган фойда ҳам эндиликда ўзимизга: халқ таълими соҳасигами, тиббиётни ривожлантиришгами озми-кўпми тушаётган маблағимиз билан хизмат қилаётган бўлсак, албатта бахтиёрмиз, — деди корхона бош директори Зафар Азимов. — Шу йил май ойидан ташкилотимиз номини ҳам, бироз иш структурасини ҳам ўзгартирдик, — дея гапини давом эттирди у. — Эндиликда «ТВТ — Транссервис» жамоа корхонасига айландик. Энди ўз низомимизга кўра республикамизга олиб келинаётган барча турдаги ташкилот ва корхона юкларини божхона ходимлари олдида қонуний равишда рўйхатдан ўтказишга кўмаклашмоқдамиз.

— Зафар Зуҳриддинович, товар ва маҳсулотларни расмийлаштириш ҳақида гапирдингиз. Молларни расмийлаштириш чоғида тўлдириладиган «Божхона юк баённомаси» ўзи нима? У нима учун хизмат қилади?

— Бизнинг асосий ишларимиздан бири «Божхона юк баённомаси» деб номланувчи ҳужжатнинг тўлдирилишини таъминлаймиз. «Божхона юк баённомаси» биринчи навбатда экспорт-импорт имкониятларини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонуний равишда юк олиб келишлари ёки юк олиб чиқиб кетишлари учун расмийлаштириладиган ҳужжатдир. Бундан ташқари давлат статистикасини шакллантиришда ҳамда солиқ органлари учун назорат қилиш воситасини бевосита шакллантиришда хизматимиз бор.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жаҳон андозалари асосида иш кўришимиз керак. «Божхона юк баённомаси»ни расмийлаштириш Оврўпа мамлакатларида 50-йилларда йўлга қўйила бошланиб, шу давргача зарур бўлган ўзгартиришлар билан тўлдириб, такомиллаштириб борилган. Айниқса, компьютер, телекоммуникация воситаларининг пайдо бўлиши ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши иложи борича расмий ҳужжатларни тезроқ ва мукаммалроқ расмийлаштириш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Бу таркиб 1989 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқ ҳудудида ҳам жорий қилина бошланди. Ўзбекистон ҳам бугун ана шундай такомиллашган жаҳон андозаларига мос йўлдан бормоқда.

«Божхона юк баённомаси»да экспорт ёки импорт қилинаётган маҳсулотни келтирган ташкилотнинг номи, транспорт воситаси, молнинг номи, молга тегишли бўлган хусусиятлар, оғирлиги кўрсатилади. Бошқа муҳим маълумотлар берилади. Шу маълумотлар асосида божхона ходимлари юкнинг қонуний ёки ноқонуний асосда олиб чиқиб кетилаётганини ёки олиб келинаётганлигини назорат қилишади.

— Демак, бирор маҳсулотни республикамиздан ташқарига, товар айирбошлашга ёки сотиш учун олиб кетаётган маҳсулотнинг эгаси аввало божхонага учрайди. Сўнг ҳужжатлаштиришни сизлар амалга оширасизлар, тўғрими?

— Бизга келган молларни қонуний бўлса, иложи борича тезроқ божхона кўригидан ўтказиб, расмийлаштиришга кўмаклашамиз. Тўғри, бу борада божхона ходимларининг хизмати беқиёс. Ана шундан кейин эса олдимизда турган юк бизнинг ўз юкимиздек бўлиб қолади. Қисқаси, етиштирилган мол ёки товардек божхонага олиб борамиз. Ўзимизнинг юкдек кўрсатамиз: мана бу юк, мана бу пули дегандек.

— Сизларнинг корхонангиз муваффақиятини кўп жиҳатдан бозор иқтисоди қонун-қоидалари билан унинг қадрини биладиган кадрлар ҳал қилади, шундай эмасми? Бу борада қандай муаммолар бор?

— Кадрлар тайёрлаш биздаги энг муҳим муаммодир. Бизнинг соҳада махсус ўқув юртлари йўқ. Иқтисодиёт университети ёки молия институтидами бизга зарур кадрлар тайёрланса, нур устига аъло нур бўларди. Қолаверса, қўшни давлатларга кўпроқ борди-келди, тажрибаларини ўрганишимизга имконият яратилади. Яна бир муаммо: мол ва товарларнинг кодини аниқлаётганимизда шу боисдан баъзи ечимталаб жараёнларга ҳам дуч келяпмиз. Масалан, биз асосан уларнинг ташқи хусусиятига қараб аниқлаймиз. Ҳолбуки, шундай товарлар борки, дорилар, кимёвий моддалар ва бошқа товарларни экспертиза қиладиган мутахассислар бизга аниқлаб беришлари талаб этилади. Иккинчидан, вилоятлардаги бўлимларимизда ҳам ишларни компьютерлаштиришимиз зарур. Агар шу муаммоларни қанчалик тез ҳал этсак, бизнинг соҳадаги ишлар ҳам шунчалик тез ривож топади.

Тўғриси, биз ҳар бир вилоятдаги масъул раҳбарнинг ёрдамига ҳам муҳтожмиз. Чунки бизнинг ташкилотимиз республикамизнинг барча вилоятларида ҳам очилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Ўз ўрнида вилоят ташкилотларига ҳам мумкин қадар қулайликлар яратиларди, албатта.

«ТВТ — Транссервис» корхонаси асосан транспорт — экспедиторлик, божхона-декларация, ишлаб чиқариш, тижорат воситачилик ва бошқа хизматларни бажариш учун ташкил этилган.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани Хуршид кўчасида жойлашган бу корхона фаолияти билан атрофлича танишишимиз шуни кўрсатдики, у ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари ўртасида бевосита хўжалик алоқаларини ўрнатиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида ва жаҳон бозорида трансэкспедиторлик, божхона-декларация ва бошқа хўжалик хизматларига бўлган эҳтиёжларни қондиришда, юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида бевосита хўжалик алоқаларини ўрнатишда муайян ишларни қиляпти. Унинг маркетинг ва тижорат амалиётларини ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришдаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Бунда, албатта, корхонага яқиндан кўмак, мадад бўлаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда «Транстуркистон» транспорт-экспедиторлик акционерлик жамиятини алоҳида айтиб ўтишимиз жоиз.

Шу боисдан «ТВТ - Транссервис» корхонаси фақат Тошкентдагина эмас, унинг бўлимлари республикамизнинг турли жойларида фаол иш олиб боряпти. Масалан, Тошкент вилоятининг Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Янгийўл каби туманларида, республикамизнинг Фарғона, Самарқанд, Андижон сингари вилоятларида бўлимлари муваффақиятли иш олиб бормоқда. Янги-янги бўлимларни очиш эса изчил давом этяпти. Мақсад битта — бозор иқтисодиёти босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳозирги даврда давлат, кооператив, жамоа ва бошқа юридик ташкилотлар ҳамда аҳолига турли техника ва технологиялар етказиб беришда, транспорт воситалари, товарлар, хом ашё, материаллар ва бошқалар билан таъминлаш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фаол кўмаклашишдир.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: 1. Корхонада компьютер хизмати пухта йўлга қўйилган. Бунда Ёқутхон Топпўлатова, Малика Раҳматуллаева, Ирода Тоғаевалар ўз ишларига масъулият билан қарашяпти. 2. Корхона раҳбари Зафар Азимов.

Суратларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган.

Ҳурматли жаноблар !
Ўзбекистон бозоридаги расмий дилер
"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ
Ташкалий техника оламида етакчи бўлган
"Konica U - BIX"
нусха олиш машинасини Тошкентдаги омбордан сотади.
Кафолат - бир йил.
Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.
Бизда сифат ва баҳо ҳамоҳангдир!
Телефон: (3712) 44-59-55.
Телефон /факс: (3712) 44-55-12.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга улгуржи ва чакана нархларда
СОТАДИ:
Озиқ-овқат маҳсулотлари:
Макарон, кўк нўхат, шампиньонлар, пишлоқ, печенье ва конфетлар.
Шампан виноси ва бошқа спиртли ичимликлар.
Газли ичимликлар ҳамда 0,33 л. сиғимли идишдаги пиволар, шунингдек, мазали ва турли-туман озиқ-овқатлар.
Компьютерлар, факслар, ксерокслар, калькуляторларни сотиш ДАВОМ ЭТМОҚДА
Алоқа учун телефонлар:
45-55-65, 45-70-65.
Телефакс 45-56-65.

ТАШКИЛОТ
Пул ўтказиш йўли билан сўмларга Д 8237, ДА 8237, ДБ 8237 русумидаги пресслаш асбоб-ускуналарининг эҳтиёт қисмларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ
Алоқа учун телефонлар :
☎ 45-55-56, 45-70-65.
Телефакс: 45-56-65.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Грозниййда Россия Федерацияси делегацияси билан Ж. Дудаев тарафдорлари ўртасидаги музокараларнинг иккинчи босқичи бошланди. Музокаралар шаҳардаги Европа ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилотининг Чеченистон пойтахтидаги миссияси биносида ўтказилмоқда. Унда Чеченистонда сайлов ўтказишга тайёргарлик, миллий коалицион кенгаш тузиш каби сиёсий масалалар муҳокама этилади.

Чеченистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш борасидаги музокараларнинг учинчи босқичида Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин иштирок этиши мумкин. Ҳатто, томонлар келишувига биноан музокаралар Москвада ўтказилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, деди Россия делегацияси аъзоси А. Вольский журналистларга.

ТАШРИФ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАДИ

Хитой Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг Москвага ташрифи ниҳоясига етди. Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг вакили Шэн Гофаннинг таъкидлашича, ташриф муваффақият билан тугаган.

Хитой ҳукумат раҳбари ташриф давомида Президент Борис Ельцин, Бош вазир Виктор Черномирдин билан учрашди. Музокаралар чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид еттита ҳужжат имзоланди.

СЕССИЯ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Франциянинг Канн шаҳрида Европа иттифоқига аъзо бўлган 15 давлат раҳбарлари ҳамда Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасида жойлашган 11 давлат бошлиқлари иштирокидаги Европа кенгаши сессияси ниҳоясига етди. Унга раислик қилган Француз Президенти Жак Ширак журналистлар билан суҳбатда — сессияда давлатларнинг ягона Европа оиласини барпо этиш истаги ҳукмрон бўлди, Европа ўн йилдан кейин бирлашади, — деди.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҚАДАМ

Вашингтонда АҚШ воситачилигида Исроил билан Сурия ҳарбий қўшинларининг бош штаби бошлиқлари ўртасида музокаралар бошланди. АҚШ расмий вакилининг айтишича, музокараларда иштирок этаётган АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Исроил ва Сурия ўртасида ўтаётган тинчлик музокараларига катта умид боғламоқда.

ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

Германия полицияси Берлиндаги босқинчилар эгаллаб олган «Коммерцбанк» бўлими биносига тўсатдан ҳужум қилиб, гаровга олинган банк ходимлари ва мижозларнинг барчасини озод этди. Шу мавзудаги маълумотларга қараганда, 18 соат мобайнида гаровга ушлаб турилганларнинг барчаси соғ-омон қутқарилган. Бироқ, кўп миқдорда пул, автомобиль ва вертолёт талаб қилган жиноятчиларни ҳибсга олишнинг иложи бўлмади. Айни пайтда уларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

АҚШ конгресси аъзолари Президент Билл Клинтонга мактуб йўллади. Мактубда улар Президентни Босния ва Герцеговинага қурол-яроғ сотишни тақиқлашни аста-секин бекор қилишга чақирган.

ЧАНДРИКАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Шри Ланка ҳукумати қўшинлари «Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» қуролли тузилмалари билан уруш олиб боришга тайёр, деди Президент Чандрика Кумаратунга. — «Тамил илама» жангарилари мамлакат бўйлаб ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборган тақдирда ҳам биз ғалаба қиламиз, деди у.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Борис ПАК

ЯШНАЙВЕР, ДЎСТЛИК ДАРАХТИ!

(Сафар очерки)

Менинг Жанубий Корея мамлакатига қилган сафарим тарихи бундан беш-олти йил муқаддам Тошкентда бўлиб ўтган бир расмий учрашув билан боғлиқ. Ўшанда, биз — ўзбекистонлик корейсларнинг бир гуруҳ вакиллари — Жанубий Корея «Бирлашиш учун» демократик партиясининг Президенти жаноб Ким Ен Сам, унинг рафиқаси Сон Мунг Сун хоним, шунингдек мазкур партиянинг таниқли вакиллари (жами 13 киши) билан шаҳар ташқарисидаги ҳукумат дам олиш уйида учрашган эдик. Қизиқарли суҳбат узоқ давом этди. Президент Ким Ен Сам Кореянинг тинч йўл билан бирлашиши тарафдори эканини, ғалаба насиб қилиб давлат тепасига чиқса Янги Корея қуриш учун жон-танини аямаслигини айтди.

Мен бу сўзларнинг мағзини чақиш учун бир неча марта тилмочга мурожаат қилдим.

— Сиз Кореяда бўлмаганмисиз? — деб сўраганди шунда жаноб Ким Ен Сам. — Мен албатта сизни меҳмонга чақираман!

Яна бир воқеа — ўшанда Президентнинг рафиқаси Сон хоним менинг умр йўлдошим — Ким Александранинг отаси Кенжо шаҳрида туғилганини эшитиб, ҳайратини яширолмаган, сабаби, Президент жаноблари ҳам кенжолик экан! Бундай хайрли дийдор кунидан эсдалик учун делегация аъзолари билан суратга ҳам тушган эдик.

Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтиб, мана, Ким Ен Самнинг орзулари амалга ошди. — У давлат раҳбари бўлди . Ўтган йили эса бизни Жанубий Кореяга — боболаримиз юртига меҳмонга чақирди. Шу таклиф асосида рафиқам билан декабрь ойида орзулардаги мамлакатга сафар қилдик. Ўшанда бутун мамлакат севимли пойтахт — Сеул шаҳрининг 600 йиллигини нишонлашга тайёрланаётган эди, бу воқеа алоҳида бир мақолага мавзу бўлгани учун мен таассуротларимни Улсан шаҳридан давом эттирмоқчиман.

Улсан — кемасозлар шаҳри. Асосан ишчилар, муҳандислар яшайди. Бутун дунёга машҳур «Хёндэ» концерни мана шу ерда жойлашган. Тинч океанининг соҳили, ҳаммаёқ кўм-кўк ўт билан қопланган!

«Хёндэ» — ўта қувватли, ўта замонавий, кўпсоҳали корхона. Бу ерда кемалар, енгил машиналар, моторлар, юк кўтариш ва ер қазиш техникалари ишлаб чиқарилади. Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан буюртма келади! Концерн асосчиси — муҳандис-ихтирочи Чун Ю Юн ўтган 24 йилнинг ичида шу соҳалар бўйича жаҳонда энг юқори кўрсаткич ва сифатга эришди; Улсан порт-шаҳрини қурди; 600 дан зиёд транспорт ва йўловчи кемалар ишлаб етказди; АҚШ, Канада, Япония, Олмония, Россия, Индонезия ва бошқа ўнлаб мамлакатларга энг кучли моторлар етказиб берди. Биз бу паҳлавон корхонанинг 9 та иш шохобида иш жараёнини томоша қилдик.

— Раҳбарларимиз жаҳон технология янгиликларидан доимо бохабар, шу асосда келажак учун самарали тадбирлар зудлик билан ишлаб чиқилади, — деб тушунтиради корхонанинг маданий ишлар ходимаси Ен Ли хоним.

Биз бу ердагиларга, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам хўжалик техникаларини, пахта ҳосилини, ўғитларни, мармар ва бошқа хил мол-товарларни ташувчи кўптонналик кемалар жуда зарурлигини билдирдик. Ростдан ҳам, «Хёндэ» концерни билан алоқалар мутаҳкамланса, улар биз учун арзон ва замонавий кемалар, техникалар етказиб берса, эвазига бизнинг юртимизда улар учун тансиқ ҳисобланмиш неъматлар озмунчами? Ҳақиқатан ҳам бу — ўйлаб кўришга арзийдиган масала.

Ен Ли хоним суҳбатимиз мазмунини корхона раҳбарларига етказишни ваъда берди.

***

Энди Корея Республикаси маданияти, турмуши, маорифи ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Кореянинг маданияти — жуда қадимий ҳисобланади, беш минг йиллар наридаги мозийга бориб тақалади. Агар бу халқнинг антропологик ва тил жиҳатидан келиб чиқишини, оғзаки ижод намуналарини ўрганадиган бўлсангиз — корейс халқининг этник илдизлари Олтой тоғлари ва унга туташ Ўрта Осиё халқлари билан боғланиб кетишини кузатасиз! Маданият соҳасида, илм-фан ва маънавият тараққиётида IV асрда Хитой орқали кириб келган буддизм ва конфусийлик дини алоҳида ўрин тутади. Сабаби, бу динлар давлат томонидан қабул қилинган бўлиб, барча соҳаларда ўз таъсирини сақлаб қолган. Маориф ривожида эса ҳал қилувчи ўринни 1443 йилда қирол Буюк Сечжон истеъмолга киритган Хангил алифбоси эгаллайди. Шунингдек, 1234 йилда (Оврўпадан икки аср олдин!) ихтиро қилинган кўчма шрифтли илк матбаа қурилмаси ҳам маданий тараққиётда улкан роль ўйнади. Бу тарихий воқеаларни эслаётганимиз ҳам бежиз эмас. Ҳозир Жанубий Кореяда 7 мингдан ортиқ замонавий нашриёт ишлаб турибди, уларда ҳар йили 130—140 миллион дона китоб нашр қилинади. Етти минг номда даврий нашр, газета, журнал, ҳафталиклар ўн миллион нусхада чоп қилинади. Жанубий Кореяни энг кўп ўқийдиган мамлакат деб аташ мумкин. Манави сонларни кўздан кечиринг: 1992 йилда 25 минг номда китоб чиқарилган (дарсликлар бу ҳисобга кирмайди); шу жумладан, бадиий адабиёт — 4654 номда; ёшларга аталган китоблар — 4149 номда; санъатга доир китоблар — 3000 номда; ижтимоий мавзудаги китоблар — 2874; диний адабиётлар — 2044; тарих, фалсафа, тилшунослик — 2500; маълумотнома китоблар — 4000 номда.

Кореяда ўнлаб универсал театрлар ишлаб турибди. Энг маҳобатлиси — Сечжон номидаги маданий марказ бўлиб, бу ерда бир вақтнинг ўзида 9 та театр (симфония, анъанавий мусиқа, оркестр, рақс, катталар хори, болалар хори ва ҳоказо) 20 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира олади.

Корейслар — мусиқасевар халқ, бу ерда жаҳон мумтоз мусиқаси ҳам, замонавий поп-мусиқа ҳам бир хил эъзозда. Ўтган йили октябрь ойида юртдошларимиз — профессор-мусиқашунос Офелия Юсупова раҳбарлигида бир гуруҳ ўзбекистонлик таниқли мусиқачи -мураббийлар Сеулдаги халқаро фольклор-мусиқа фестивалида иштирок қилишди. Сеул университети талабалари ва профессор-мударрислари ўзбек куй-қўшиқларини ижро қилиб чиққан Ҳуррият Исроилова, Рифатулла Қосимов, Илҳом Икромов, Венера Якубовская, Ўткир Қодировларни узоқ вақт саҳнада олқишлаб туришди. Ўзбек халқининг дилрабо куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари сеулликларнинг ҳали-ҳали ёдида!

— Ўзбеклар ва корейсларни яқинлаштириб турган хусусиятлар жуда кўп, — деган эди юртбошимиз ўтган йили Ким Пен Хва номидаги қишлоқ хўжалик корпорациясида бўлган учрашувда. — Меҳнатсеварлик, бағрикенглик, дўстлик, заминга меҳр — ана шундай хислатларимиз...

Буни эса эслаётганимизнинг сабаби шуки, ўзбек ва корейс халқларининг санъатсеварлиги ҳам жуда ўхшаш, жуда ибратли даражада экан!

Корея Республикасидаги жаҳоншумул тараққиётнинг бош омилларидан бири — мамлакатда ёш авлоднинг ҳар томонлама тарбиясига катта эътибор берилишидир. Бу ерда тарих ва анъанавий тарбия чамбарчас боғланиб кетган. Халқ таълими, маориф соҳаси махсус вазирлик томонидан бошқарилади. Вазирлик таркибида мамлакат тарихини тузиш ва ёзиш бўйича Миллий қўмита, тарбиявий тадқиқотлар ва ўқитувчилар тайёрлаш бўйича Миллий институт, ўқитувчилар учун Апелласия назорати фаолият кўрсатади. Маориф-мактаб тизилмасининг умумий кўриниши қуйидагича: бошланғич мактаблар — 1-6 синфлар, ўрта мактаблар — 7-9 синфлар; юқори даражали ўрта мактаблар — 10-12 синфлар; олий ўқув юртлари — коллеж ва университетларга мувофиқ келади. «Корея» деб номланган маълумотнома — китобни варақлаганимизда қуйидаги фактларга кўзимиз тушди: 1992 йилда барча типдаги мактаблар сони— 19680 та. Коллеж ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабалар сони — 11.150.650 нафар (бу сон мамлакат аҳолисининг тўртдан бирини ташкил қилади!) экан. Мамлакатнинг олий раҳбарлари ҳам кадрлар (айниқса, ижодий-ишчи ходимлар) тайёрлаш ишларига биринчи даражали давлат иши деб қарайди. Кадрлар малакасини тинмай ошира бориш айниқса, «Хёндэ», «Самсунг», «ДЭУэлектроникс» сингари йирик концернларда намунали йўлга қўйилган.

Таълим-таҳсил учун кетадиган харажатлардан давлат ҳам, хусусий корхоналар ҳам маблағ аямайди. Чунки, бу соҳага ажратилган озгина харажат ҳам тоғ-тоғ фойда келтиришини бу ерда ҳамма яхши билади. Мана, яна бир факт: Кореяда умумий давлат бюджетининг 22,8 фоизи маориф соҳасига ажратилади, ҳар йили!

Мамлакатда интизом, маънавий ва ахлоқий тарбия, инсоний муносабатларни такомиллаштиришда, меҳнат самарадорлигини оширишда дин катта ўрин тутади. Инсонни ҳалол, сабр-тоқатли, олижаноб, ватанпарвар қилиб тарбиялашда диннинг аҳамияти улуғ, албатта. Бу ерда буддийлар, насронийлар ва мусулмонлар аҳил яшайдилар. Ислом дини мамлакатга йигирма йиллар муқаддам кириб келган бўлиб, айни пайтда мусулмон корейслар сони 22 минг нафарни ташкил қилади. Улар ўзларини чин муслим сезишлари, исломий рукнларни бажо келтиришлари учун барча шароитлар муҳайё. Мусулмон корейслар ватан равнақи йўлида намунали меҳнат қилмоқдалар.

Кўчалар, хонадонлар, шаҳарлар озодалиги, ранго-ранглиги, осойишта ва гўзал ҳаёт нафаси ҳар қадамда сезилиб туради. Оиладаги ички тартиб-интизом, маданиятлилик, яхши тарбия таъсири ҳам дарҳол кўзга кўринади, ҳавасни келтиради. Ҳар икки кишининг бири инглиз, япон, хитой тилларини билади.

Мамлакат адабиётчилар уюшмасининг Бош котиби жаноб Пак Ёнг Хул билан суҳбатимиз ҳам унутилмас воқеалардан бўлди.

— Уюшмамизда 3500 дан зиёд аъзо бор, — деб ҳикоя қилади Пак Ёнг Хул. — Ўзимизнинг нашриётимиз ишлаб турибди, ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, таржимонларимиз ижоди китоб ҳолида мунтазам чоп қилинади. «Корея адабиётчилари ассоциацияси» деб номланган чиройли, рангли безакли ойлик журналимизнинг ҳажми 312 саҳифа бўлиб, унда романлар, қиссалар, ҳикоя ва эсселар, қадимий корейс шеърий услуби сидёда ва замонавий шаклларда ёзилган шеърлар босилади. Китобига талаб кўп тушадиган муаллифларнинг турмуши яхши. Шу билан бирга, қалам ҳақига қараб қолмай, ишлаб чиқаришда ишлаётган ижодкорлар ҳам анчагина.

Ўзбек адабиётидаги бугунги номлар бу ерда деярли номаълум экан. Мазмунли суҳбатимиздан сўнг котиб ўзбек ижодкорларининг асарларини корейс тилига таржима қилиш ишига бош қўшажагини мамнуният билан билдирди. Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Одил Ёқубов ва бошқа адиб-шоирларимиз асарларини тилга олдик.

Хуллас, азиз юртимизга қайтиб кела-келгунча: «Ўзбекистон ва Корея дўстлиги ҳамиша гуллаб-яшнайверсин, бунинг учун ҳар қанча хизмат бўлса — тайёрмиз!» — деган орзулар қалбимни тўлдириб юборган эди...

Мулоҳаза

САМОГА БИРИНЧИ КИМ УЧГАН?

Хўш, биринчи учган одам ким экан? Бу ҳақда иккинчи ёзишим. Илк бор бу ҳақда ёзганимга, шу масалани кўтарганимга 30 йиллардан ошди чоғи. Ижод оламига энди кириб келаётган кезларим эди, ватанпарварлик, элпарварлик, эркпарварлик борасида завқ-шавқ кучли эдию, лекин халқнинг теран томирлари ҳақида сўз қотиб, унинг кўзини очиб, ўзлигини танитадиган асарларга эътибор берилмасди. Аввало ундай асарлар ёруғ дунё юзини кўрмасди, баъзан-баъзан кўриниб қолганларига ҳам кўрмаганликка олинарди.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида жуда топиб айтганларидек, сир эмас, бир пайтлар Марказнинг буйруғини кутиб-бажариб, тепадан кўрсатилган чизиқдан чиқмаслик одатимизга айланган эди. Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос», деб миямизга қуйиб келишмаганми? Эндиликда эса, олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак. Токи аждодимиз кимлигини, кимларнинг авлоди эканимизни ўзимиз ҳам билиб, шундан ҳақли суратда қонунан ва тушунган ҳолда фахрланайлик, руҳимиз, кайфиятимиз кўтарилиб, ишимиз юксалсин, олға боссин, Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқнинг бир субъекти сифатида тан олиб, дипломатик муносабат ўрнатган барча давлатлар ҳам ким билан ҳамкорлик қилаётганларини англаб етсалар, иккала томон учун ҳам иззат-ҳурматли бир далилдир...

...1964 йилнинг ёз ойлари эди... «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида кино санъати бўлимининг мудири бўлиб ишлардим. Ўша йили ўзбек киносининг қирқ йиллигини кенг нишонлаш юзасидан ҳукумат қарори чиққан эди. Шу муносабат билан юбилей олдидан кинодраматургия муаммоларига бағишлаб махсус бир саҳифа уюштириш зиммамга топширилди. Саҳифада қатнашадиган драматурглар орасида Шайх ака (Мақсуд Шайхзода) ҳам бор эдилар. Кейин маълум бўлишича, ўзлари Тошкентда эмас, Москва яқинидаги Малеевка қишлоғидаги ёзувчилар ижодхонасида эканлар. Сакина опадан (Шайх аканинг турмуш ўртоқлари) адресни олиб, таҳририят илтимосини баён этиб хат ёздим. Жавоб олишга олдиму, лекин кечикиб олдим, то унгача кинодраматургияга бағишланган махсус саҳифа чиқиб кетиб бўлган эди. (Олтин ерда қолиб кетмайди, деганларидек, Шайх аканинг киносценарий жанрининг табиатига доир «Тасаввур ва тасвир» деган кичик мақолалари орадан ўн беш йиллар ўтгач, «Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида» деган тўпламда менинг изоҳ сўзларим билан биргаликда чоп этилди).

Агар янглишмасам, Шайх ака ўша йили август ойида Малеевкадан Тошкентга қайтдилар. «Тасаввур ва тасвир»дан яна сўз очилиб, Малеевкада бўлганларида Москвага — Ленин номидаги кутубхонага ҳам қатнаб, Туркистонимиз тарихи, айниқса Хоразмнинг Беруний ва унинг замондошлари даври тарихига доир қўлёзмаларни кўздан кечириш асносида кўп ажойиб, теша тегмаган маълумотлар билан танишганликларини хушнудлик билан, бағирлари яйраб ҳикоя қилиб бердилар. «Умр вафо қилса, сиҳат йўл берса, Абу Райҳон Беруний ҳазратлари ҳақида бир саҳна асари яратиш ниятим бор», дея Берунийга замондош кўпгина сиймоларнинг номларини тилга олдилар.

Кези келганда бир гапни айтмай ўтолмайман. Олтмишинчи йилларда «Ўзбекистон маданияти» билан яқиндан алоқада бўлган зиёлилар яхши эсласалар керак, ўша йиллари адабиёт газетаси ижод аҳли учрашадиган, гурунглашадиган бир пакка эди, санъат бўлимининг мудири Ёнғин Мирзо атрофидан санъат аҳли, хонандалар, созандалар аримасди. Масъул котиб хонасида эса Шукур Бурхон, Мирзакалон Исмоилий ва шу кабиларни тез-тез учратишингиз мумкин эди. Шайх ака эса «Мавлоно Миёдбей, ўзларидан сўрасак» деб остонада кўринардилар қувноқ табассум билан. «Муштум»га энг машҳур ҳикояларини топширган кезларида Ғафур Ғулом ҳам «Маданият»га бир қўниб ўтардилар. Муҳаррир қабулхонасию кабинетидан олиму фузалолар аримасди.

...Ёз ўтиб, куз келди. Бу орада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги юбилейига зўр тайёргарлик ҳам бошланиб кетди. Октябрь ойи бошларидан Тошкент байрам либосига бурканди. Кўчалар, майдонларда, иморат пештоқларида алвонлар, шиорлар ҳилпирай бошлади. Айниқса, Навоий кўчаси, Санъат саройи (у пайтлари бу бино халқ тилида «Панорама» дейиларди) алоҳида безатилди. Юбилейга бағишланадиган асосий тадбирлар худди шу ерда ўтказилиши мўлжалланганди. Шиорлар орасида энг улканлари ва миқдоран кўпи «Азиз Никита Сергеевич! Серқуёш диёримизга хуш келибсиз!» деган сўзлардан иборат эди.

Барча катта-кичик газеталар, шу жумладан, «Ўзбекистон маданияти» газетаси ўзларининг махсус байрам сонларини тайёрларди. Газетамизда бир гуруҳ шоирларнинг ўзбек халқи номидан дунё халқларига мурожаати тарзида ёзилган бир саҳифалик шеърий асари чоп этилиши мўлжалланди. Тақдир тақозоси билан мен газетанинг ушбу байрам сонига навбатчи муҳаррир бўлиб қолдим. Шеърий хатда «ал-Жавҳарий фарзандим самога учган эди» деган мисра ҳам бор эди. Бу сиймонинг кимлиги биз газета чиқарувчиларни қизиқтириб қолди. Шеърий асар редакцияга Ўзбекистон Ёзувчилар союзи (у пайтларда уюшма сўзи ишлатилмасди, ҳамма «союз» дерди) орқали келгани сабабли мен навбатчи муҳаррир сифатида у ерга телефон қилдим. «Союз»дагилар «Хат»нинг то инқилобгача бўлган тарихий қисмини Шайх аканинг бир ўзлари ёзганликларини айтиб, у кишига мурожаат қилишимни маслаҳат кўришди.

Телефондаги «Ал-Жавҳарий ким бўлган?» деган саволимизга Шайх ака бундай жавоб қилдилар: «Мавлоно ал-Жавҳарий — Турон ўғлони, ал-Беруний замондоши. Қанотли қурилма ясаб, самога парвоз айлаб, 17 чақиримча масофага учиб борган экан. Камина бул зот ҳақида Абу Райҳон Беруний тўғрисида Московдаги Ленин кутубхонасида манбаларни кўздан кечирганимда қисқа маълумотномада учратиб қолдим. Агар шарқшунос олимларимиз саъй-ҳаракат қилсалар, ал-Жавҳарий ҳақида кўп маълумот топишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Бу келажакнинг иши. Сизлар эса ҳозирча ўша мисрага бир эскартиш берсангизлар ҳам катта гап».

Биз шу маслаҳатни тўғри топиб, «Ал-Жавҳарий XI асрнинг бошларида илк бор самога парвоз қилган хоразмлик ватандошимиз» деган эскартиш бердик. Лекин худо шуни ҳам кўп кўрди, газетанинг ўша кунги махсус байрам сони чиқарилмади, материаллари сочиб ташланди. Чунки 14 октябрдан 15 октябрга ўтар кечаси Москвада ҳокимиятда ўзгариш юз бериб, Н. С. Хрушчев лавозимидан четлаштирилди, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги байрами номаълум муддатга қолдирилди. Тўғри, орадан бир неча муддат ўтгач, республикамиз юбилейи ўтказилди, Лекин газеталарда ўша шеърий мактуб босилмади, ўрнига бошқа муаллифларнинг ўзгача руҳдаги шеърий хатлари босилди. Шу тариқа инсоният тарихида илк бор самога учган ал-Жавҳарий ҳақидаги хушхабар тарқалмай қолиб кетди...

Мана энди, замонлар ўзгариб, теран томирларимизни билиб олишга эҳтиёж, эътибор ва зарурат туғилмоқда. Ўйлаймизки, Омонулла Файзуллаев, Ашраф Аҳмедов сингари ҳам табиий фанлардан, ҳам ижтимоий фанлардан чуқур билимдон бўлмиш олимларимиз ал-Жавҳарий шахси ҳақидаги маълумотларни тарих саҳифаларидан излаб топадилар, халқимизнинг бу фарзанди ҳам худди ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Синолар қаторидаги ўз ўрнини эгаллайди.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

Футбол

ОРАЛИҚ МАРРАДА

· Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини якунлашди.

Якунловчи тур ўйинларининг қизғин ва муросасиз баҳсларига бой бўлиши кутилган эди. Чунки ҳар бир жамоа оралиқ маррага мавқеини мустаҳкамлаб келишга, довон ошиб муҳлисларни қувонтиришга ҳаракат қилиши табиий. Зеро, ўйинлар жадвалининг юқори поғоналарида айтарли ўзгаришлар бўлмади. Аксинча, қуйи поғоналарда бораётган жамоалар ҳужумкорликка зўр бериб, орқада қолмасликка интилдилар.

Муҳлислар «Политотдел» футболчиларининг дадил қадамларидан мамнуният ҳосил қилдилар. Боиси, хўжалик жамоаси 4—5 тур илгари танг аҳволда эди. Кетма-кет мағлубият билан сўнгги поғонага михлангандек турарди. Бу жамоа дастлабки давранинг охирги учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказиб, ўзини ўнглаб олди. Хўжалик футболчилари якунловчи учрашувни «Трактор» майдонида ўтказиб, ғалаба (3:1) қозондилар. Бу ютуқ «Политотдел»ни бир йўла тўрт поғона юқорига кўтарилишига имкон берди.

Пешқадам жамоалар дастлабки даврани сўнгги учрашувларини сафарда , қуйи поғоналарда бораётган жамоалар майдонида ўтказишди. Жумладан, «Нефтчи» футболчилари «Машъал» жамоасининг меҳмони бўлишди (2:0), нурафшончилар эса «Чирчиқ» майдонида ўйнаб (1:0), ғалаба қозондилар. Навбаҳорчилар сафарда «Атлас» жамоасини доғда (3:0) қолдиришди. МХСК футболчиларининг андек омадлари юришмади. Улар «Янгиер» майдонида ўйнаб (1:1) ўз ҳисобларига битта очко ёзишди.

Пахтакорчилар бу сафар динамочиларни қабул қилиб, дарвозага иккита жавобсиз тўп киритдилар. Бу билан улар бешинчи ўриндаги мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Термиз армиячилари ҳам оралиқ маррага муваффақиятли келдилар. Улар «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қилиб (2:0), очколарини 18 тага етказиб, уч поғона юқорига кўтарилишди. «Наврўз» жамоаси ҳам бир поғона кўтарилиб, кучли олти жамоа сафидан довон ошди. Андижонликлар темирйўлчиларни 3:1 ҳисобида енгишди.

Шундай қилиб олий лига жамоаларининг оралиқ маррадаги ўринлари аниқ бўлди. Энди футболчиларимиз қарийб бир ой дам олиб, 29 июль куни иккинча давра ўйинларини бошлайдилар.

Ўйинлар жадвали

	Ю	Д	М	Т	О
«Нефтчи»	12	2	1	43-16	38
«Нурафшон»	11	1	3	31-17	34
«Навбаҳор»	10	3	2	23-9	33
МХСК	9	4	2	33-12	31
«Пахтакор»	7	5	3	26-14	26
«Наврўз»	6	3	6	19-19	21
«Сўғдиёна»	6	2	7	24-19	20
АСК	5	3	7	20-27	18
«Трактор»	4	5	6	14-20	17
«Политотдел»	4	4	7	21-28	16
«Янгиер»	4	4	7	19-18	16
«Атласчи»	4	3	8	15-27	15
«Динамо»	4	3	8	11-21	15
«Темирйўлчи»	4	1	10	13-31	13
«Чирчиқ»	2	5	8	9-21	11
«Машъал»	2	4	9	7-29	10

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Қадриятларимиз

ЗОМИН ҚЎРҒОНИ ТАРИХИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Зомин тумани тарих музейи ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти билан ўзаро ҳамкорликда Зомин тумани ҳудудида ёзги тадқиқотлар мавсумини бошлади. Зомин қишлоғининг Четариқ маҳалласида яшовчи А. Суяровнинг чорбоғидан бошланган қазиш ишлари кутилмаган натижалар берди. Бу ердан Мирғоби номи билан аталадиган сув идиши, ҳар хил нақшлар чизилган сандаллар безатилган, уй-рўзғор буюмлари, идишлар чиқди.

— Топилган буюмлар Зомин қўрғонининг X-XI асрларда гуллаб яшнаганлиги, ҳудуди 200 гектардан кам бўлмаганлиги бу ерда ҳунармандчилик санъати беқиёс даражада ривожланганлигидан далолат беради, — дейди Зомин археология тадқиқотлар гуруҳи етакчиси, тарих фанлари номзоди А. Грецина, — Археологик қазишмаларни, изланишларни олиб боришдан мақсад бу ҳудудда мавжуд бўлган тарихий ёдгорликлар харитасини чизишдан ва унинг ўтмиш тарихини ўрганишдан иборатдир.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

UMID MEDICLUB LTD. UMID КОМПАНИЯСИ УМИД МЕДКЛАБ Л.Т.Д.

УМИД

компанияси Исроилдаги «Герцлия» тиббиёт марказининг хусусий касалхоналарини таништиради:

—жаҳон андозалари даражасидаги юксак малакали тиббий ёрдам;

—тиббиётнинг исталган соҳасида жаҳонга таниқли бўлган мутахассисларни танлаш;

—маслаҳат олиш ва етказишни ташкил этиш, сизни ва ҳамкорлик қилаётган шахсларни даволаш (хоҳловчилар миқдори чекланмаган);

—Лод халқаро аэропортида шахсий кутиб олиш, яшаш ва даволаниш масканига қадар ҳамроҳ бўлиш;

—тўла ҳажмда касалхонага ётқизишни амалга ошириш;

— бемор тиббиёт марказидан чиққандан кейин унга қарашни амалга ошириш;

— эҳтиёжга қараб чекланмаган миқдорда дори-дармонлар билан таъминлашни ташкил этиш;

— тарихий ва зиёратгоҳ жойларга экскурсияларни уюштириш.

Алоқа учун телефонлар: (3712) 44-16-83, 46-77-51.

ШОДОН ТАБАССУМ ВА ХУШ КАЙФИЯТ

тақдим этувчи "СТОМАСЕРВИС" хусусий стоматология поликлиникасида

ҳафтанинг 7 кунида — кечаю-кундуз, дам олишсиз

ТЕРАПИЯ, ЖАРРОҲЛИК, ОРТОПЕДИЯ

соҳалари бўйича мутахассислар Сизга тиббий хизмат кўрсатишга ҳозиру нозир.

Рентген хонаси, лазер терапияси, физиотерапия, металлокерамика, шунингдек, парадонт сингари барча касалликларни даволаш бўйича мижозларга хизмат кўрсатилади.

СТОМАТОЛОГИЯ **соҳасида жаҳоннинг етакчи фирмалари техникаси ва дори-дармонларидан фойдаланиб, замонавий технологияни қўллаш даволашни оғриқсиз ўтказади.**

Майин мусиқа, қаҳва ёки бир пиёла чой мажбурий муолажаларга ҳузур бахш этади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси,428-уй.(Мўлжал: Тошкент трактор заводи)

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 64-39-16, 69-89-65.

"СТОМАСЕРВИС" — ЮҚОРИ СИФАТ ВА УЗОҚ МУДДАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

Ие, йўғ-е, наҳотки!

МАРШ КУЙЛОВЧИ ҚУШЧА

ОДАТДА куй-қўшиқни магнитафонга ёзиб олинади. Аммо, швейцер-ренеклик (Жанубий Африка Республикаси, Трансваал вилояти) Ханс Брюдерлейн эса ўзи ёқтирган мусиқани магнитафонга эмас, балки ўзи боқаётган канарейкасига, яъни Дессига «ёздириб» олади.

Қушча анча ёшда. Шунинг учун бўлса керак, ҳар қандай оҳангни тез ўзлаштириб олади. Ханс илтимос қилган пайтда ўша мусиқани сайраб, тўғрироғи, «чалиб» беради. Десси, айниқса, марш куйлашни ёқтиради. Масалан, кўпинча «Аида» операсидан ва шотланд халқ қўшиғи «Жасур азамат»ни хониш қилишни ёқтиради. У ҳозир 11 та маршни билади.

ҚИРҒИЙГА ЧАП БЕРИБ БЎЛМАС

ПЕТРОДВОРЕЦЛИК С. Копилев қирғий билан уришиб қолди. Воқеа бундай бўлган эди: шаҳардан унча узоқ бўлмаган жойда С. Копилевнинг мотоцикли мотори ўчиб қолди. У эндигина мотоциклини тузатмоқчи бўлиб турганида қирғий қувиб келаётган қуёнга кўзи тушди. Эс-ҳушини йўқотган қуён чопганича одамнинг ҳимоясига отилди. Копилев курткаси билан қирғийни ҳайдади. Бу пайтдан фойдаланган қуён ўрмонга қочиб қолди.

Бу воқеадан сўнг Копилев яна мотоциклини тузатишда давом этди. Бир пайт кутилмаганда унинг бошига кучли зарб келиб тушди. Копилев ўгирилиб қараса, қирғий экан.

Маълум бўлишича, қайтиб келган қирғий қуённинг чақирилмаган ҳимоячисидан қасдини олмоқчи бўлган ва мотоциклчига ташланган. Яхшиямки, Копилевнинг бошида қалпоқ бор эди.

МАЙМУНЛАР ВА ОДАМЛАР ЖАНГИ

КЕНИЯНИНГ жанубий-ғарбида жойлашган Ньянза вилоятидаги Ламбуе қишлоғига маймунлар тўдаси ҳужум қилди.

Эрталаб соат ўнларда йигирмага яқин маймун бадавлат кишининг уйига бостириб кирди. Уй эгасини бурчакка қисиб, ўзларини ошхонага урдилар. Маймунлар мазза қилиб қоринларини тўйдиргач, уй ёнида юрган товуқларни қувлай кетдилар.

Уй эгаси маймунлар товуқларни қувлаш билан овора бўлганидан фойдаланиб, ҳовлига чиқди ва ёрдам сўраб бақира бошлади. Яқин ҳовлида мотам маросими ўтаётган эди. Маросим қатнашчилари югуриб келиб, «босқинчилар» ҳужумини қайтаришга киришдилар. Лекин маймунлар қочишни хаёлларига ҳам келтиришмасди, одамлар билан тенгма-тенг уришишарди, яъни дуч келган нарсани одамларга отардилар. Тоқати тоқ бўлган кишиларнинг таёқларни ишга солишдан ўзга чоралари қолмади. Натижада учта маймун ўлдирилди, бир нечтаси ярадор қилинди. Шундан сўнггина маймунлар қочиб қолишди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0286.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11;
Бухорода -- 3-54-87;
Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86;
Навоийда -- 3-75-43;
Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83;
Самарқандда -- 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда -- 6-51-35;
Фарғонада -- 26-37-16;
Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 30* *1 2 3 4 5 6.*